



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 12 - Mart

447n -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Юлдошбаев Инъомжон Жўрабек ўғлига  
Боғот тумани “Ашхобод” маҳалласи худудига  
вақтинча энгил конструкцияли “Континер”  
ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида

Боғот тумани “Маданият” маҳалласида яшовчи фуқаро Юлдошбаев Инъомжон Жўрабек ўғлининг Боғот тумани “Ашхобод” маҳалласи худудига вақтинча (3,0x12,0) 36,0 квадрат метр ўлчамдаги “Континер” ўрнатишга рухсат беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 1 февралдаги ШЯ-Й-353-сонли аризасини, туман Архитектура ва қурилиш бўлимининг далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 10, 25-моддаларига, “Ер кодекси”нинг 62-моддасига асосланиб

**Қ А Р О Р                    Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Маданият” маҳалласида яшовчи фуқаро Юлдошбаев Инъомжон Жўрабек ўғлига Боғот тумани “Ашхобод” маҳалласи худудига (3,0x12,0) 36,0 квадрат метр ўлчамдаги энгил конструкцияли “Континер”ни вақтинча 1 (бир) йил муддатга ўрнатишга рухсат қилинсин.

2. Фуқаро Юлдошбаев Инъомжон Жўрабек ўғлини Боғот тумани “Ашхобод” маҳалласи худудига вақтинча (3,0x12,0) 36,0 квадрат метр ўлчамдаги энгил конструкцияли “Континер” ўрнатилиши учун ажратиб берилган ер майдонидан мақсадли фойдаланмаганда ёки ажратиб берилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддасига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбонов)га фуқаро Юлдошбаев Инъомжон Жўрабек ўғли Боғот тумани “Ашхобод” маҳалласи худудига вақтинча (3,0x12,0) 36,0 квадрат метр ўлчамдаги энгил конструкцияли “Континер” ўрнатилиши учун ер майдонини белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Қуръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

Ш.Яхшибаев